

Ўзбекистон Республикаси бюджет  
тизими бюджетларининг газна  
ижроси қоидаларига  
8-илова

2022 й. «13» октябр Навоий шахар МТБ ва Тож Махал 2018 ОК ўртасида  
86 371 001 сўм умумий суммага тузилган 63-сонли шартнома

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\*

Боб 7091, 100, 251  
Шахсий газна хисобварак 401722860124017091100251009.

(сўмда)

2022 й. ойлар номи	Харажатлар турি** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4 232 200			
Январ				
Феврал				
Март				
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр				
Октябр	86371001,00			86371001,00
Ноябр				
Декабр				
Жами йил бўйича	86 371 001,00			86 371 001,00

Жами : 86 371 001 (саксон олти миллион ўч юз етмиш бир минг бир) сум  
сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан 25911300,30 сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан %\*\*\* олдиндан 2022  
йил октябр ойида тўланиши лозим.

(\*)-бюджет ташкилоти бюджет маблаг олувчи ва БМЖ маблаг олувчи томонидан назначилик бўлинмасига икки нусхада  
тақдим этилади;

(\*\*) – бўлим, боб, параграф ва харажатлар моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) - Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_ % жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим  
(ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш,  
алоқа хизматлари ва конун ҳужжатлариданазарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишилар, хизматлар) етказиб бериш  
шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

Д.Жўраева

Буюртмачи бош ҳисобчиси

М.А.Ахмедова

Разничитик бўлинмаси  
ходими кабул килди \_\_\_\_\_  
2022 й.« \_\_\_\_ »

Бюджетдан маблаг олувчи  
ходими кабул килди \_\_\_\_\_  
2022 й.« \_\_\_\_ »



## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 63

Навоий шахар

2022 йил "13" октябр

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Навоий шаҳар МТБ номидан «Низом» асосида иш кўрувчи раҳбар Д.Жўраева бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган Тож Махал ОК номидан «Устав» асосида иш кўрувчи К.Самадов иккинчи томондан, бўйича қўйидаги шартномани туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тугрисидаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдикланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиши** - ишларнинг хар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Навоий шаҳар 7-ДМТТ биноси жорий таъмирлаш ишлари лойихада кўзда тутилган холда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, электрон танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "11" октябрдаги баённома) билан тасдикланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда (КҚС билан) жорий нархларда 86 371 001 (саксон олти миллион ўч юз етмиш бир минг бир) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги холлар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлгандা;

ишлар хажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (конунда кузда тутилган холлар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

Шартномага мувофик қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмдар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

қурилиш майдони худудида вақтненчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тұғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, үтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиларини суғурта қилиш;

қурилиш майдони қуриланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиши ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равищда рўйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - шартнома конун хужжатларига мувофик рўйхатдан үтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиши вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета хужжатларига мувофик амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (үттиз) фоизи микдорида аванс үтказади, бу 25 911 300.30 (йигирма беш миллион тўққиз юз ўн бир минг ўч юз) сўм 30 тийин ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) хамда назорат қуригидан үтказилгандан сунг амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб үттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хақда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равищда хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хақ тўлашдан озод килинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархикматкурилишназорат" инспекциясини ёзма равища хабардор киласи.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқарив ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарida ўз фикрини баён киласи.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгидаги бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгидаги бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равища узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама қиласидар.

33. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хаклиди.

## X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларига кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудрагчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши "Давархитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тутатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлади.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга карор килган томон мазкур бўлим қоидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлади.

41. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вактида молиялаштирулмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиқтирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

44. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равища бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва қачиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 30 фоизи миқдорида жарима ундириш хукукига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

### XIII. ИЗОЛАРНИНГ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чикилади.

### XV. Тарафларниң коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.

50. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қиласди.

51. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараённида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган харакатлар(харакатсизлик)га йўл қўймайдилар.

52. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун хужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

53. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг хар қандай шаклини рад етадилар. жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларидан пул маблаглари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу харакат(харакатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай харакатни бажариши.

54. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равища иккинчи тарафга нокулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

55. Агар шартнома тарафлари томонидан шартлома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш холатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир етилганда ушбу харакат содир

етилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор килиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки конун бузилишининг инкор етилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиб соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиласидар.

#### XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

60. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўргасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

61. Пудратчи қурилтии обьектига ёки учинг алоҳида қисмпарига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

62. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги конунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий хисобланади.

63. Буюртмачи билан Пудратчи ўргасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай ахдлашувни асосланган холда расмийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

64. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хақ тўлашни кечиктиришга хаклидир.

65. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари қўлланилади.

66. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

67. Шартнома имзоланиб, Навоий шаҳар Фазначиликдан руйхатдан утгандан сунг конуний кучга киради ва амал килиш мuddати 31.12.2022 йилгача хисобланади.

#### XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

##### ПУДРАТЧИ

Тожмаҳал 2018 ОК  
Юридик манзилгоҳ; Навоий вил  
Кармана туман Варқ МФЙ  
ТЕЛ:  
X/p:20208000500857741001

Банк номи Халкбанк Навоий ф-ли  
Банк коди(МФО) 00705  
ИНН 305311574  
ХХТУТ \_\_\_\_\_  
КТУТ \_\_\_\_\_

Самадов К  
(Ф.И.О.)  
  
Муҳр ва имзо



##### БУЮРТМАЧИ

Навоий шаҳар МТБ  
Юридик манзилгоҳ; Навоий ш  
Шодлик-6 \_\_\_\_\_  
ТЕЛ: 79-220-17-46 \_\_\_\_\_  
ШХ/Р: 401722860124017091100251009  
ШХ/Р: \_\_\_\_\_

Ташкилот СТИР 305163782  
ХХТУТ \_\_\_\_\_  
КТУТ \_\_\_\_\_  
Фазначилик булими: Уз.Рес.Молия ваз Газначилиги  
Ягона ғазна хисоб варағи  
Фазначилик x/p: 23402000300100001010  
Банк номи Тошкент ш. Марказий банк  
Банк коди(МФО) 00014  
Фазначилик СТИРи: 201122919  
Рахбар Д.Жўраева  
(Ф.И.О.)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING  
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**QZ4075782133**

- 1. Loyihaning turi : Shartnoma**
- 2. Loyihaning nomi: Xo‘jalik munosabatlari**
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: NAVOIY SHAHAR MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI tomonidan 10.10.2022 yilda kiritilgan.**

Navoiy shahar maktabgacha ta'lismi bo'limi va "Tojmaxal 2018" OK o'rtaida umumiy summasi 86 371 001 (sakson olti million uch yuz yetmish bir ming bir) so'm bo'lgan xizmat ko'rsatish shartnomasi loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi talablari asosida tuzilmoqda.

Taraflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilikka, xususan O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi" Qonuni talablariga mos keladi.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq

**Navoiy shahar yuridik  
markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**L.A.MIRJONOV**

13.10.2022

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 155119 на приобретение Навоий шаҳар 7-ДММТ биноси жорий таъмирлаш ишлари**

**Способ проведения электронный**

Дата 11.10.2022

Время рассмотрения 06.10.2022 21:28

Закупочная комиссия МТБ марказлашган хисобхона, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	Жураева Дилнавоз Ибрагимовна	Навоий шахар МТБ мудири	Навоий шахар МТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	Шомуродов Жалил Жамолович	ДХ ва шартномалар буйича ҳисобчи	Навоий шахар МТБ
<b>Член комиссии</b>	Ахмедова Мархабо Аслоновна	Бош ҳисобчи	Навоий шаҳар МТБ
<b>Член комиссии</b>	Сапаев Икром Тошпулатович	ҳисобчи	Навоий шаҳар МТБ
<b>Член комиссии</b>	Мамаюсупова Хабиба Истроиловна	методист .	Навоий шахар МТБ
<b>Член комиссии</b>	TAYIROVA AZIZA BAXTIYAROVNA	ҳисобчи	Навоий шахар МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 11.10.2022 года № лота 155119.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 50.00 / Весовой коэф. ценовой части: 50.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по текущему ремонту административного здания
Подробное описание	Навоий шаҳар 7-ДММТ биноси жорий таъмирлаш ишлари тез ва қисқа кунларда сифатли бажарип бериш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	88 638 342.00
Стартовая сумма	88 638 342.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 солиқлар ва йиғимларни тұлаш бүйича мүддати үтгандар қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; молиявий холат бүйича туликтайтын маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: солиқлар ва йиғимларни тұлаш бүйича мүддати үтгандар қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; молиявий холат бүйича туликтайтын маълумотлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK МЧЖ	15	хужжатлар тақдим этилди	15	Экспертная		
Firdavs building new	15	мавжуд	10	Экспертная		
СП ТОЈИМАНЛ 2018	15	Барчаси мавжуд	15	Экспертная		
ASL-MANTAJ-EXPRESS XK	15	Илова қилинди	10	Экспертная		
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	15	15	5	Экспертная		

Критерий №2 шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK МЧЖ	40	хужжатлар тақдим этилди	25	Экспертная		
Firdavs building new	40	мавжуд	30	Экспертная		
СП ТОЈИМАНЛ 2018	40	Барчаси мавжуд	15	Экспертная		
ASL-MANTAJ-EXPRESS XK	40	Илова қилинди	20	Экспертная		
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	40	40	35	Экспертная		

Критерий №3 Мазкур иш бажариш йўналиши бўйича амалга оширган фаолияти камида 3 йил бўлиши шарт. бажарилган ишлар форма 2-3 ҳамда шартномалар тулиқ маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Мазкур иш бажариш йўналиши бўйича амалга оширган фаолияти камида 3 йил бўлиши шарт. бажарилган ишлар форма 2-3 ҳамда шартномалар тулиқ маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK МЧЖ	30	хужжатлар тақдим этилди	5	Экспертная		
Firdavs building new	30	мавжуд	5	Экспертная		
СП ТОЈИМАНЛ 2018	30	Барчаси мавжуд	20	Экспертная		
ASL-MANTAJ-EXPRESS XK	30	Илова қилинди	30	Экспертная		
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	30	30	5	Экспертная		

Критерий №4 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдикланган маълумотнома.

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдикланган маълумотнома.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK МЧЖ	15	хужжатлар тақдим этилди	7	Экспертная		
Firdavs building new	15	мавжуд	15	Экспертная		
СП TOJIMAHAL 2018	15	Барчаси мавжуд	15	Экспертная		
ASL-MANTAJ-EXSPRESS XK	15	Илова қилинди	7	Экспертная		
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	15	15	7	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
СП TOJIMAHAL 2018	88 638 342.00	86 371 001.00 UZS	86 371 001.00	00.00	86 371 001.00	30.09.2022 16:26:49	50
ASL-MANTAJ-EXSPRESS XK	88 638 342.00	87 872 651.00 UZS	87 872 651.00	00.00	87 872 651.00	30.09.2022 17:00:20	49.14555

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK МЧЖ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
СП TOJIMAHAL 2018	32.5	50	82.5
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ASL-MANTAJ-EXSPRESS XK	33.5	49.14555	82.64555
Firdavs building new	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 155119 от 11.10.2022 года на приобретение Навоий шаҳар 7-ДММТ биноси жорий таъмирлаш ишлари определила победителем:

ASL-MANTAJ-EXSPRESS XK